

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҰМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 31 (65858)
1995 йил, 22 август, сешанба

Сотувда
эркин нархда

СЕНТЯБРЬ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

1 сентябрь — сиз азиз болажонлар учун қушалок байрам. Республикамиз Мустақиллигининг 4 йиллиги ҳамда янги ўқув йилининг бошланишини байрам қила-

хам ортда қолди. Болажонларимизнинг бу йилги ёзги дам олишлари кўнгилдагидек ўтди, дея оламизми?

— Бу йил республикамызда биринчи мавсумда 1681 та

ри, қуғирчоқ театри жамоаси ҳам болажонларимизнинг кўнгилдагидек дам олишларида узларининг муносиб ҳиссаларини қушдилар.

Бироқ, камчиликларимиз

миятлари ходимлари билан ҳамкорликда аҳоли зич яшовчи жойларда ва жойлардаги мактаб, ўқув юртларининг ўзида 1995 йилнинг 8 августидан бошлаб 10 сентябргача I-XI-синф ўқувчилари учун зарур бўлган барча ўқув-қуроллари, мактаб анжомлари билан савдо қилувчи расталар ва мактаб бозорлари ташкил этилсин», деган буйруғига биноан барча жойларда мактаб бозорлари «Ўзбексавдо» тизими буйича 231 та, «Ўзбекбирлашув» буйича 478 та мактаб бозорлари ташкил қилинган. Қувонарлиси шундаки, мактаб формалари, ўқув-қуролларининг нархлари 30 фоизга арзонлаштирилди. Бу ҳам ҳукуматимизнинг фарзандларимизга бўлган ғамхурлигининг яна бир далолатидир.

Форма хусусида эса жойларда уз ихтиёрларига қараб танлов тариқасида, ўқувчилар кийими қабул қилиняпти. Масалан, Сурхондарё, Наманган вилоятларида ўқувчилар формаси курик-танлов асосида тасдиқланди. Унда голиб чиққан мактаб формаси шаҳар, туман халқ таълими бошқармасига тавсия этилди. Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси умумтаълим мактабларининг янги моделлари буйича «Нигора» ва Б. Омонова номи тикувчилик корхоналарига буюртма берган. Бундан ташқари ҳамма мактабларда ўқувчилар формаси ва ўқув-қуролларига муҳтожлар рўйхатини тузиш, кўп болали ва кам даромадли оилаларга мактаб анжомлари харид қилишда умумтаълим фондидан ёрдам бериш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

Феруза ОДИЛОВА
суҳбатлашди.



миз. Таътилнинг сунгги кунларида ҳамма жойда қизгин тараддуд.

Мактабларимиз янги ўқув йилига шайми? Мактаб формаси хусусида қандай янгиликлар бор? Мактаб бозорлари-чи? Шу каби саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ходимларига мурожаат қилдик.

Шоира Нуриддинова, Халқ таълими вазирлигининг мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бўйича етакчи-назоратчи мутахассиси.

— Яқиндагина таътилга чиқдик, деб хурсанд бўлган эдик. Мана, таътил кунлари

болалар оромгоҳларида 142209 нафар, иккинчи мавсумда 358 та оромгоҳларда 74475 углиқиз ҳордиқ чиқаришди. Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан етим, ярим етим, болалар уйлари тарбияланувчиларига, кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳам сўлим оромгоҳларга йўлланмалар ажратишда алоҳида имтиёзлар яратилди. Шунини алоҳида эътироф этиш лозимки, Оролбуйи минтақаларидан — Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятидан мингдан зиёд болалар Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятларидаги энг яхши оромгоҳларда дам олишди. Йулдош Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар теат-

хам йўқ эмас. Масалан, бу йил мактаблар қошида ўқувчиларни оромгоҳларга жалб этиш 1994 йилга нисбатан анча камайди. Қорақалпоғистон Республикасида, Сурхондарё вилоятидаги мактаблар қошида оромгоҳлар умуман очилмади, бундай масканларда дори-дармонларга тақчиллик сезилди.

Тоҳир Салимов — ижтимоий масалалар бўйича бошқарма бош мутахассиси.

— Янги ўқув йилига тайёргарлик, мактаб бозорлари, ўқувчилар формаси хусусида янгиликлар борми?

— Халқ таълими вазирлигининг «Шаҳар, туман ҳоки-

МАКТАБ ҚҰГИРЧОҚ ТЕАТРИ

Зафаробод туманидаги 9-мактабда кўпчиликка таниш бўлган мактаб қуғирчоқ театри бор. Бу ерда ҳар ойнинг ўн бешинчи кун юқори синф ўқувчиларидан ташкил топган сахна гуруҳи томоша қўйишади. Қўйи синфдаги жажжилар эса санъаткор ака-опалари томонидан қўйилган халқ эртаклари асосидаги спектаклларни мароқ билан кўрадилар.

Айни кунларда қуғирчоқ усталари Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллигига атаб ихчамгина дастур тайёрламоқдалар. Дастурдан жонажон юртимиз халқлари эришаётган ютуқлар қуғирчоқлар тилидан ҳикоя қилувчи сахналар ўрин олган.

Абдуғаффор ОМОНБОВ.
Жиззах вилояти.



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда республиканинг бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи миқдорларни ошириш тўғрисида» фармони эълон қилинди.

Қўқонда тиббиёт зарурати ва бошқа мақсадларда қўлланилиши учун спирт ишлаб чиқариладиган завод ишга тушди.

Учқудуқда қорамармар кони очилди.

Нукусда соатига 500 йуловчига хизмат кўрсата оладиган йирик автовокзал қурилиши бошланди.

Нукусда «Она соғлиги — бола соғлиги» номидаги дастури амалга татиқ этила бошланди.

Бухорода юртимиз мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон — Ватаним маним» шиори остида шаҳар ва туман кунлари бошланди.

Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида «Мерседес — Бенц» автомобиллари янги маркаларининг тақдироти бўлиб ўтди.



— Аркадий, сен «Туркистон соврини» учун Ўзбекистонда утадиган II Халқаро мусобақаларда қатнашсан, тайёргарлик қур.

Бишкекдаги 2-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Аркадий Уланов бу сўзлардан ҳам қувонди, ҳам қалби ҳаяжонга тушди.

Йуқ-йуқ, унинг ҳаяжони бахслардаги масъулият, шиддат, жиддийликда эмас, анчадан буён орзу қилиб юрган нияти ниҳоят рўёбга чиқиши яқин эканлигида эди.

Айтгандай, унинг Ўзбекистонга бориб, сўлим боғлари, чиройли шаҳарларини куришдек эзгу тилаги бундан уч йил бурун пайдо бўлганди. Ушанда унинг хизмат тақозоси билан борган бобоси Тошкентнинг об-ҳавоси, меҳмондўст одамлари, уларнинг тинч-тотувлиги, айниқса, бозорларининг мул-қуллиги, арзонлиги ҳақида кўни-кўшнларга роса мақтаган, турли-туман совға саломлар келтирганди. Совғалар орасида электр токига уланмай ишлайдиган вентилятор (елпиғич) жуда-жуда ёққанди.

«Яхшиям ракетамоделизм спорти билан шуғулланар эканман, халқаро мусобақаларда иштирок этадиган бўлдим», — уйларди қувониб.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Аркадий кема моделлари

«Туркистон соврини» учун

ШИОРЛАРИ — ЧИН ДЎСТЛИК ЭДИ

ишқибози Серёжа Кирдякин, картинг спорти ихломанди Денис Лобачев билан бирга Ўзбекистонга жунаб кетди.

... Тошкентнинг Юнусобод даҳасидаги энг сўлим гушалардан бири — «Зилола» болалар оромгоҳи. Бу ерда Марказий Осиё республикалари ўқувчилари ўзларининг «Мустақкам дўстлик учун» шиори остидаги спорт техник мусобақаларига тупланишган.

Дўстлик беллашувини Республика Халқ таълими вазири Жура Ғаниевич Йўлдошев очди. Тантаналардан сўнг болалар дам олишди, овқатланишди, болалар ижоди курғазмасини томоша қилишди. Кейин энг сўлим гушалар бўйлаб саёҳат қилишди. Айниқса, меҳмонларга Марказий Осиёда ягона «Тошкентленд» кўнгил очиш боғи ниҳоятда ёқди.

Эртасига мусобақалар бошланди. Беллашувлар бошланмасдан олдин Аркадий қозоғистонлик Виктор Шихалиев, Виктор Григорьев, тошкентлик Темур Исмоилов, Шерзод Мавлоновлар билан қалин дўстлашиб олган эди. Айниқса, Навоий шаҳридаги 8-мактаб ўқувчиси, 1-катталар спорт разряди эгаси Элдор Бориев меҳмоннинг меҳрини қозонди. Элдор картинг спорти

бўйича ўз мураббийси Сергей Мижинский раҳбарлигида уч йилдан буён спорт билан шуғулланиб келаркан. Бундан олдин ўз юртида бўлиб ўтган республика мусобақаларида фахрли уринларни эгаллаб келган. Ҳозирги бахсларда ҳам ниҳоятда омади келди. Яқка урин учун бўлган курашда биринчиликни эгаллади.

Беш кун давом этган куч синашувларда Аркадий бир нарсага эътибор берди ва қувонди. Яъни соврин учун кураш иштирокчиларининг бирортаси ҳам ютиб чиқишга жон жаҳди билан ҳаракат қилмас, аксинча рақибига нисбатан ҳурмат, самимият, меҳр-муҳаббат ва аяш ҳиссиётлари устун эди.

Т. СОЛИЕВА.

Суратларда: Ўзбекистон Халқ таълими вазири Жура Ғаниевич Йўлдошев II Халқаро техника спорти мусобақалари қатнашчиларига дўстлик куч синашувларида омад тилади. Навоийдаги 8-мактаб ўқувчиси Элдор Бориев келажақда моҳир картинг спорти устаси бўлиб етишади.

Р. Альбеков олган суратлар.



АЭРОДРОМДА МУСОБАҚА

Яқинда «Аранча» аэродромида ўқувчиларнинг қизиқарли беллашуви бўлиб ўтди. Унда ракета-модель ишқибозлари иштирок этишди. Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Тошкент шаҳридан келган ўқувчилар ўз истеъдодлари билан барчани лол қолдиришди. Ниҳоят ғолиблар аниқланди. Биринчи ўринни Тошкент шаҳри, иккинчи ўринни Самарқанд вилоятидан келган, учинчи ўринни фарғоналик ракетамоделчилар эгаллашди.

«БОҒИ ЭРАМ» ТАҲСИН АЙТДИ

Юнусободдаги «Мудофаага ҳамкорлик» жамияти спорт техника клубида эса «Картинг» мусобақасининг очилиш маросими ўтказилди. Унга еттига вилоят жамоалари ташриф баюришди. Беллашув йўл ҳаракати қондалари, карт типидagi автомобиллар тузилиши, пневматик милтиқдан нишонга олиш, карт автомобилда шакл ясаб ҳайдаш босқичларини ўз ичига олди.

Энг сўнгги босқич Тошкент шаҳар «Боғи эрам» оромгоҳи майдонида курғазмалли бўлди. Биринчи ўрин Самарқанд вилояти, иккинчи ўрин Навоий, учинчи ўрин Тошкент вилояти спортчиларига тақсимлаб берилди.

«СТАРТ»ДА УЧ КУН

Шунингдек, автомобиль мусобақаси Тошкент шаҳар «Старт» ўйингоҳи майдонида бўлди. Беллашувга Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри жамоалари қатнашдилар. Уч кун давом этган курашда совринли ўринлар Самарқанд вилояти, Тошкент шаҳри, Фарғона вилояти жамоаларига насиб этди. Совриндорлар Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Бўстонлиқ тумани ҳақида гап кетгудек булса, куз олдимизга осмонупар тоғлар, яшилликка бурканган кенгликлар, сўлим гушалар келади. Бу ерда жуда кўплаб дам олиш ҳамда соғломлаштириш масканлари, болалар оромгоҳлари жойлашган. Эльбурс ана шундай оромбахш масканлардан бири. Бу ёзги таътилда 151 нафар қорақалпоғистонлик угил-қизлар мириқиб ҳордиқ чиқаришяпти, шу билан бирга саломатликларини мустаҳкамлашяпти. Тарбиячилари Хонсулув Сарибоева бошчилигида тоғ ён бағирларига саёҳатларга чиқишади, доривор гиёҳлар жамлаб, уларнинг хусусиятларини урганишади.

Суратда: Уйимизга бир олам таассуротлар билан қайтамыз, — дейишяпти болажонлар мамнун кайфиятда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.



• Ибратли ҳикоятлар

ДЎСТ САДОҚАТИ

Алишер Навоий дўсти Паҳлавон Муҳаммад шоҳнинг ғазабига учради. Соқол-мўйлабини қириб, калтадум либос кийиб, кўчама-кўча юришга маҳкум қилинади. Паҳлавонни шармандалиқдан қутқариш учун Навоий шоҳга:

— Мен ва Паҳлавон Муҳаммад ёшлигимиздан бир хил кийинамиз, бирга юрамыз, деб аҳду паймон қилган эдик. Буюринг, менинг ҳам соқол-мўйлабимни олсинлар. Калта либос кийгизсинлар, сўнг мен Паҳлавон билан бирга кўча кезай, —дебди. Бу сўзларнинг маъносини англаган шоҳ ғазабидан қайтибди, ҳукмни рад этибди.

УЧТА КЎК БОДРИНГ

Низом ул-Мулк олижаноб ва ҳақоний вазир экан. Биров ҳады келтирса ҳаммага баб-барвар бўлиб берар экан. Бир кун бир боғбон учта эртаки бодринг келтирибди. Вазир учала бодрингни ўзи еб қуйибди, боғбонга минг дирҳам инъом берибди.

Вазир дам олгани чиққанида Нодим:

— Жаноб, нима учун учала кўк бодрингни биргина ўзингиз едингиз, сизнинг одатингиз бундай эмас эди-ку, —дебди.

— Бодринглар аччиқ экан, бошқаларга берсам, аччиқлигига чидаёлмай, дехқоннинг кўнглини огритар эдилар, —деб жавоб берибди Низом ул-Мулк.



Мен Тошкент тумани ҳокими Рустам Рақбарович Акбаров ҳузурига борганимда котиба қизнинг «келиб қоларлар»и билан қарийб икки соат ўтирибман. Тушдан кейин келишни хаёллаб қайтдим. «Сиз кетишингиз билан келдилар, аммо яна кетдилар, кутиб туринг, келиб қоладилар», деди Дилбархон менга илтижо билан боқиб. Унинг кўзидаги ийманишми, уялишми, ажойиб жилвадан ҳайратланганча, яна кутишга мажбур бўлдим. Бу фурсатда ҳокимиятга келиб-кетувчиларнинг дардига, қувончига шерик бўлиб ўтирдим. Ҳаммалари тўғридан-тўғри худди акаларини сўрагандек «Рустам ака бор-милар», деб бир соғинч билан кириб келишарди. Билдимки, Рустам ака чиндан ҳам тумандагиларнинг қадрдони, тўғишганидан аълоси. Ҳоким муовини, хотин-қизлар кўмитаси раиси Мастураҳон Қорабоева қабулига эса келин-куёвлар дейсизми, кекса онахонлару ёш қизларми, кириб чиқишарди. Бир қарашда сокину сирли кўринган бу кошонада ўзига хос ҳаёт қайнарди. Мастуранинг ишлари билан қизиқдим. «Булар эрта-индин турмуш кураман, деб туришибди. Ростдан ҳам бир-бирлари билан яшаб кетишларига ишонилмадим, турмушнинг пасту баландликларидан бирга ўтишга қодирми, шуни биламан, деди Мастура. Ёшлар ЗАГСга ариза беришадими, кейин менинг олдимга келишадими. Очиғи, бундай ишни менга иш бошлаган кунимданок Рустам ака юклаб қўйганлар».

Рустам ака... Болалик пайтимда кўшни мактаб кутубхонасига тез-тез қатнардим. Ушанда мактаб директорининг қурувчилар билан бирга бетон қуяётгани, фиштираётгани ёки қўлига тоққайчи олиб, сўриларни тартибга солаётганини кўп кузатганман. Бинолари қўримсиз бу мактабнинг боғи кўпларга машҳур эди. Кўкка буй чўзган кўм-кўк арчалар қишин-ёзин мактабдан аримайдиган меҳмонларнинг кўзини қувнатарди. Ҳовлини жаннат боғи дердингиз. Беҳи-ю анжирлар, олма-ю бодомлар ўша — 23-мактабнинг бойлиги эди. «Олма дарахтининг тагига ўрик тушмайди. Шунинг учун мактабда олган билимларингиз бир куни сизнинг ким бўлишингизни белгилайди», деб таътилдаги болаларни ҳам ишга солганлари эсимда. Тахта тилишда қўллари тиланганини кулиб-кулиб кўр-

сатиб, «ақл билан кучни бир-галиқда олиб бориш керак. Куч ақлсиз ишлатилса, бекорга кетади, ақл кучга таянмаса ҳам яхши эмас. Яхши яшаш учун ақлингизни, кучингизни баробар ишга солишлар», деганлари эсимда.

Ўқувчилар Рустам аканинг уйини ҳайрат билан менга таърифлаб беришганди. Товуслар товланиб юрадиган, рангли балиқлар ҳовузда жавлон урадиган бу боғ ҳовлига ғойибдан ҳавасим келганди. Муҳаббат опа — мактабнинг адабиёт муаллимаси, Рустам аканинг турмуш ўртоғи Муҳаббат опа қандай кийинаркин, ўзини қандай тутаркин, болаларга муомаласи қандай

Фикрим тўғри чиқди. Рустам ака дилимдаги гапни айтди.

— Поезд йўли устига 600 метрлик осма кўприк қураямиз, Ҳоким — яқка бош дегани. Қурилишнинг камчиликларини ҳал қилиш, уни байрамга тугатиш — мана шу бошимда. Тўрт йилдан бери қураямиз. Қарияларнинг дуосига қолаямиз. Бола-бақранинг умрини узайтираямиз. Шу кўприк йўқлиги сабабли жуда кўп ишқалликлар бўлган. Чақалоқлар туғруқхоналарга етолмай машиналарда туғилган. Кўнгилсиз воқеалар, тасодифий ҳодисалар билан боғлиқ дил хираликлар бўлган.

лайман. Ушанда мезбонларга Ўзбекистон деган мамлакат борлигини тушунтира олмагандим. Дунё харитасида Ўзбекистон сўзи йўқ эди. Туркистонни тоғанимда андижонлик уйғурлар ҳам бор экан, кўзларига ёш олишиб биз билан бошқача кўришиб кетишганди... Энди эса ўшандай ачиниш, ўшандай тушқун кайфият олтинхоналаримизда, тайёраҳоқларимизда ишлайдиган миллий кадрларимиз кўзга тез тушмаётганида рўй беради. Қизил империя худди пахтаимиз каби болаларимизни ҳам хомашё сифатида фойдаланиш учун кўпайтиргандек. Кўп фарзандли оналарга, қаҳрамон она ун-

гучун мен болалар вақтини бекорга кетказиб юрмасин, деб иқтидорлиларини ажратиб ўқитишга тарафдорман. Иқтидорлилар бир-бирига қўшилса янги ихтиролар бўлади-да. Шунингдек, айниқса, қиз болаларнинг ўқувли бўлишини, саранжом-сарихталигидан пазандалигу чеварлигидан қатъий назар, бирор касб-хунарни эгаллашини орзулайман. Қиз бола бир бешик орти, деган мақолларга қаршиман. Қиз бола келажакда бешик тебратсин. Аммо, жамиятга, табиатга аралашиб, одам эканлигини, яратувчи, яшнатувчи инсон эканлигини ҳис қилсин. Касби бўлсин унинг, хунари бўлсин.

Шу куни Рустам ака билан 1-сентябрда ишга тушадиган 35-мактаб ҳақида, янги ташкилланаётган лицей коллежлар тўғрисида суҳбатлашдик. Кучли киши сокин бўлади, деган гап хаёлимда намоён эди. Ишчи билан ишчи бўладиган, ўқувчи билан ўқувчи бўла оладиган бу инсонга ҳурматим ортиди. Беихтиёр «сиз шунча ишларни қилаяпсиз, қурилишлару, тумандаги бурилишлар, шу яқка бошингиз билан, яъни ҳокимлигингиз билан рўйба чикаяпти. Биз эса лоақал таҳририятимиз хоналарига тўзукроқ жиҳоз олиб, жилосиз ойналарни яшириш учун дарпарда ҳам олишни уddaай олмаяпмиз. Бизга ҳам ўргатинг, мана шу уddaбуронликни, қаловини топиб, қорни ҳам ёндира олишликни, дегим келди. Бизга ҳам ўргатинг, тинмай ҳаракат қилишликни, ҳар мавзуда, ҳар ҳолатда, ҳар қандай шароитда олдда юришликни, илгарини кўра-билишликни. Сиз каби раҳбарлар кўп экан, мустақиллигимиз мустаҳкам. Сиз каби оталаримиз бисёр экан, эртаимиз хуррам кечадими, дегим келди».

Отанинг қаттиққўллиги — ажойиб дори, аччигидан кўра ширини кўп, деган экан бир донишманд. Айтганини қилдирадиган, қаттиққўллиги, дид ва фаросатлилиги билан одамларни яхши яшашга ундайдиган Рустам ака ақлу кучини нимага йўналтиришни билади, қолаверса,

Ақл ва куч — бахти инсоннинг.

Битмас газна, нақди инсоннинг.

Бу дунёда топган дунёси — Шоҳона кўшк, тахти инсоннинг...

У. МУРОД қизи.

Таҳририятдан:

Тошкент тумани болаларига ҳар борада оталик қилаётган донолиги, ишчанлиги, ақл ва кучини — инсон бахти деб сарф қилаётган Рустам Рақбарович кабилар катталарнинг ҳам, кичикларнинг ҳам ҳамиша назарида, ҳайрату ҳавасидадир. Тўғрими болалар? Сизнинг туман ҳокимлари ҳам ҳолингиздан хабар олиб туришадими? Сизга оталик қилишадими? Хатларингизни кутамиз.

Болаларга қайғурмоқ — келажакка қайғурмоқ

АҚЛ ВА КУЧ — БАХТИ ИНСОННИНГ...

экан, деб ҳам қизиққандим. Ахир, бир куни шоҳона ҳовли-жойда яшашни қайси қиз орзуламайди дейсиз. Ҳовлиларни супуриш мумкин, идиш-товоқларни тоза тутиш мумкин, аммо қайта-қайта супурсидирлару, ювиб-тозалашлар билан лой-шувоқлари кучган, дарахтлари буталмаган, ҳовли-жойлар гулистон бўлиб қолавермайди-ку! Демак, ҳовли-жойнинг ободлигида дидли, фаросатли эркак ақли ва кучи керак.

Хонага миқти гавдали, қора кўзойнак таққан, ўзим билган Рустам ака кириб келдилар. Дилбархон «келадилар демабмидим», дегандек менга мамнун қаради. Кўп ўтмай Рустам ака билан суҳбатлашишга чоғландим. Йўқ, эшикдан киришим биланоқ «Котиба қиз мендан гап эшитди. Ахир озгина фурсатда етиб олса бўладиган кўприк қурилишида эдим-ку, айтмабдида. Шунча вақтингизни йўқотибсиз», деб ўзлари суҳбатни бошладилар.

—Ўзим ҳам иш вақтида келгандим. Ишдан ташқари гаплашсам ҳам бўларди, — дедим ийманиб.

Рустам ака ҳужжатларни у ёқдан бу ёққа қўйган бўлиб, кўзлари чанг босган туфлиларига тушди, шекилли, менга савол бердилар:

— Раис оқ пайпоқда, крахмалланган кўйлақда озода бўлиб юриши мумкинми? Мен қандай жавоб беришимни билмай қолдим. Лекин қалбимда «бўлиши мумкин эмас, қандай раис у, далаларни кезмаса, пайкалларни ораламаса? Бундай шароитда кўйлагининг крахмалию пайпогининг тозаллиги қоладими?», — деган гап бор эди.

— Мени тўғри тушунинг, бундай раисни мен раис демайман. Рост, маданият керак бизга, гузаллик керак. Тангри гузалдир, у гузалликни ёқтиради. Лекин гузаллик яратиш учун ҳам меҳнат қилиш керак.

— Сиз жуда кўп қурилишлар қилаяпсиз. Қозоғистон ва Ўзбекистон дарвозасининг ўзи ҳам катта воқеа. Амир Темур ҳам қурилишлари билан Амир Темур-да. Рашидов бобомиз ҳам шундай.

— Қўлдан келмайдиган иш йўқ. Ҳаракат қилиш керак. Мен бу ерга келганимда ниятларим катта эди. 146 нафар болага 500 килограмм гуруч дамлаб хатна тўйи қилганимизда, 48 йигит-қизни тўй қилиб, уй жиҳозларини зиммамизга олиб, қовуштирганимизда Рустам ака нима қилаяпти? Қайси ота-она кўнгли чўкмай бу тўйга розилик берар экан? дегувчилар бўлганди. Кўп ўтмай биз бошлаган иш оммалашиб кетганидан, бизни ҳаракатга, курашга чорлаб турадиган ўша «дўстлар» кечирим сўрагани ҳам рост.

— Сиз мактаб ўқитувчиси сифатида танилгансиз, тан олингансиз. Туманни бошқариш ҳам осон, ҳам қийин кечаётгани шундандир.

— Шундан бўлса керак, диққат марказимда ўқувчи ва ўқитувчилар туради. Мен жаҳонгашта инсонман. Мана ўқинг, бу хат келганига ҳам бир ойдан ошди. Покистон Президенти Бхутто бизга келишни нега кечиктираяпсиз, деб ёзибди. Буниси эса Франциядан. У ёқларга қишлоқ хўжалик ишларини ўрганиш ва ўргатиш учун бормайман, болалари қандай экан, таълим-тарбияси, ақл-идроқи-чи? Ўқитувчиларининг ниятлари нима ўзи? Пул топишми ёки ном олишми? Ана шуларни билгани бораман. Истиқлолнинг иноятидан шодланаман.

— Мустақилликдан-да, сизга Президентларнинг хати келиши, сизнинг, сиз кабиларнинг у ёқларга ҳам ўрганиш, ҳам ўргатиш учун бориб келиши.

— Бўлмасамчи! Муҳаббат опангиз билан Хитойга илк марта борган кунларимни алам билан, ўкинч билан эс-

вонини бергани ҳам шундан-да, деб қоламан баъзан. 10-12 болаларни кузатаман. Айримларининг бўйи паст, бўйни ингичка. Йўқ, бир фарзанд ўстирингу, соғлом, бақувват, фаросатли инсон етиштиринг, дегим келади. Баркамол ва бақувват фарзанд тарбиялаган оналарга қаҳрамонлик нишонини тақиш керак. Энди ўз армиямиз бор. Бақувват кўриқчиларга керак. Аммо, ўша оналаримиз соғ болаларини ҳам носоғлом деб ҳарбий хизматдан олиб қолишга интилмоқдалар. Нияти йўлдоши бўлади-ку, инсоннинг. Нега фарзандларимизни касалга чиқарамиз? Туманнимизда ҳарбий таълимга, спорт билан шугулланишга катта аҳамият бераман. Инсон азиз, инсоннинг қудрати, қуввати бениҳоя. Сиз кўрмагансиз, болагимизда бир фильм яратилганди. Хитойни сув босганда Мао Цзе Дун тошқинни бостириш учун бир-бирига қўлини берган одамларни олдга қўйганди. Уларнинг орқасидан қум тўлдирилган қопларни келтирганди. Минглаб, миллионлаб одамлар кўксини бериб, сувга ботгунча тошқинни тўхта-тиб туришган. Инсондан тошқин ҳам ҳайиқади. Шундай экан, ёвуз кучларни ҳайиқтирадиган, ёвларни ҳайратлантирадиган болаларни тарбиялашимиз керак. Биз жуда эрта мактабларда инглиз тили ва лотин алифбосини ўқитишни ташкиллагандик. Мен араб алифбосига қарши эмасман. Ота-боболаримиз ўша ёзувда савод чиқарганлар. Аммо араб мамлакатадигилар инглиз тилини билгани боис мен шу тилни ўзлаштиришга кўпроқ ургу бераман. Бунинг учун туманнимизда лицейлар ишлаб турибди. Яна бир гап: Ўзим болалигимда ниҳоятда қизиқувчан эдим. Аълочи бўлиш мумкин, лекин уни амалда жорий қилиш бошқа гап. Шуни-



Хаммаси ушандан бошланди. Телевизор орқали япон фирмаларидан бири «Айва» фирмасининг рекламаси берилди-ю, қишлоғимиздаги болаларнинг катта-ю кичи-гига шу сўзни айтиб юриш русум бўлиб қолди. Бир-бирлари билан «салом» деб эмас, «айва» дея саломлашишадиган бўлишди. Бу ҳам майли-я, узларидан катталарга, ота-хону онахонларга ҳам «ассалому-алайкум» каломи урнига «айва» дея қўл силташди.

Тунов кунни бир нуроний отахон эшак аравада ем ортиб келаётган эди. Бир тўда болалар бирваракайига «Айва» дея бақирдишди. Ота-хон болалар менга салом беришпти, деган хаёл билан алик олишга оғиз жуфтлади-ю қандай жавоб қилишни билмай гаранг бўлиб қолди. Болакайлар эса йулларида давом этишди. Туйдан қайтаётган бир гуруҳ аёллар билан шу йусинда саломлашишди. Улар ҳам ҳайронликда елка қисиди. Болалар эса қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди. Бир-бирларини туртганча йулларида давом этишди. Онахонлар набиралари тенги болаларнинг уринсиз ҳазилларидан ранжиб қолишди.

Бу ҳолни анчадан буён кузатаман. Фарзандларимизнинг «ута маданиятли» бўлиб кетишадиганидан ҳавотирдаман. Ҳадемай янги уқув йили бошланади. Бу кетишда булса, уқувчиларимиз уз устозлари билан ҳам япончасига саломлашишлари ҳеч гап эмас. Фарзандларига танбех бериш урнига бу сўзни айрим ота-оналаримизнинг узлари ҳам қўллашадиганини қандай изоҳлаш мумкин?! Ахир бу ҳол она-тили-

мизнинг кадрини ерга уриш эмасми?

Қадрли болалар, ота-оналар, устозлар, бу хусусда сизнинг фикрингиз қандай?

САВОЛГА ЕЛКА ҚИСИШДИ

Зарурат юзасидан бозорга тушдим. Расталарни ора-лаб юрибману беихтиёр сотувчиларни кузатаман. Аксарияти болалар — мактаб уқувчилари. Ҳозир пишиқчилик, тукин-сочинлик. Ота-оналарига қишлоқ хужалиги маҳсулотларини сотишда кумаклашаётган болаларнинг йуриги бошқа. Сигаретлару турли сақичлар пуллаб утирган болаларни куриб ранжиб кетаман.

Бир нечаси тупланишиб олиб керак-нокерак гапларни гапириб утирган болаларни суҳбатга тортдим:

— Болалар, таътилда қандай дам оляпсизлар?

— Куриб турганингиздек...

— Қандай китоблар уқияпсизлар?

Болалар бир-бирларига қараб елка қисиди:

— Мактабда уқиганимиз камми — жавоб берди дилроғи.

Нима дейишимни билмай лол қолдим. Савдотикқа муккасидан кетаётган, кўча-қуйда, ҳатто мактабларда ҳам турли майда-чуйдалар сотиш билан овора бўлаётган болаларимиз ҳақида жиддийроқ уйлаб куриш пайти келмадимикан?! Сиз нима деб уйлайсиз?

Бегмат

БОБОРАҲМАТОВ,

Қашқадарё вилояти,

Чирокчи туманидаги

100-мактаб уқитувчиси.

Халқимизда «Бозор кўрган эчкидан кўрк» деган ҳикматли гап бор. Бунинг маъноси: «Эй фарзандим, фалончи бозор кўрган йигит, яъни у савдотикнинг икир-чикири-ю, об-ҳавоси, бу ҳақдаги гап-сўзларнинг даромади қайда-ю, буромади қайда, ҳамма-ҳаммасини яхши тушунади. Мабодо у билан рақобатга киришгудек бўлсанг уйлаб бахс бойлашгинки, сени энгиб қўямасин» деганидир.

Модомики биз азиз Ўзбекистонимизда босқичма — босқич давом этаётган бозор иқтисодиётини бошдан кечириётган эканмиз, юртимизнинг келгусидаги эгалари бўлмиш сиз азиз болаларга бозорни ўрганишни, у туфайли кулланилаётган сўзлар маъносини англашни такрор ва такрор таъкидлаверамиз.

Сиз аввалги сонларда «бозор иқтисодиёти», «акционерлик жамияти», «акция», «дивидент», «менежер» сўзларининг маъноси ҳақида қисқа бўлса-да, тушунчага эга бўлдингиз.

Бугунги суҳбатимизни, биз аввал қандай жамиятда яшаб келганимизни аниқ тасаввур этиб олишдан бошламоқчимиз.

Уша замонларда ДАВЛАТ — аввало мулк эгаси, БУЮРТМАЧИ ва ИСТЕЪМОЛЧИ БУЛИБ, унда халқ талаби ҳисобга олинмай маҳсулот ишлаб чиқарилган. Табиийки, маҳсулотнинг эгаси ҳам ДАВЛАТ бўлиб, у сотилмай қолганидан келган зарар ҳам ДАВЛАТ ҳисобига тушган. Корхона мақсади — давлат буюртмасини бажаришдан иборат бўлганлигидан СИФАТга унчалик эътибор берилмаган. Оқибатда жуда кўп ресурслар бекорга сарф бўлиб кетган.

Жамиятдаги мулк бир томондан ҳамманики, иккинчи томондан ҳеч кимники бўлиб қолган. Булар масаланинг бир томони. Иккинчи томони корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотга сарфланадиган хом ашё давлатдан олиниб нархи ҳам давлат томонидан белгиланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг нархи ҳам давлат томонидан қўйилиб давлатга «сотилади». Бундай ҳолда меҳнаткаш манфаатдорлиги ҳам давлат белгиладиган нархларга боғлиқдир. Нарх белгилашни бундай амалга оширилиши жуда кўп ҳолларда меҳнаткаш фаровонлигини таъминламай қўяди. Натияжада ҳар хил салбий оқибатлар келиб чиқди. Энг ачинарлиси, бундай салбий оқибатларга кўпчилигимиз кўникиб яшаб келдик.

Иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтиш, бу оддий жараён эмас. Буни юртбошимиз И.А. Каримов «Биз бир ижтимоий тизимдан иккинчи бир тизимга ўтишдек мураккаб ва машаққатли жараённи бошдан кечирмоқдамиз» деб бежиз таъкидламаганлар. Бу жараённи тушуниб олишимиз учун аввало бозор тушунчасини маъносини билиб олиш лозимдир.

Ривожланган хорижий мамлакатларда бозорни урганувчи фан МАРКЕТИНГ бўлиб, бизни тилимизда БОЗОРШУНОСЛИКНИ англади.

Бозор тушунчасини ёритиш учун аввало ЭХТИЁЖ, ТАЛАБ, СЎРОВ ҲАЖМИ, ТОВАР, АЙИР-БОШЛАШ, ТИЖОРАТ КЕЛИШУВИ деган тушунчаларни кўриб чиқиш лозим бўлади.

ЭХТИЁЖ — бу инсоннинг қандайдир нарсани етишмаётганини сезишидир. Ҳар бир инсон уз ҳаётида доимо ниманидир етишмаётганини ҳис қилади. Мисол учун, ёш оила икки хонали уйда бемалол истиқомат қилса, болалари кўпайиши ва улгайиши билан уй-жойни кенгайтиришга эҳтиёж сезади.

ТАЛАБ — эҳтиёжнинг яқка шахс ва маълум маданият даражасига жавоб бера оладиган махсус шаклни эгаллашидир. Би-

4) ҳар бир томон бирор таклиф қилишда ёки таклифни рад этишда мутлақо мустақил бўлиши шарт;

5) ҳар бир томон айирбошлаш мақсадга мувофиқ эканлигига ёки узаро ҳамкорлик қилиш самарали эканлигига ишонилари керак.

Айирбошлашнинг бешта шартни бажарилсагина ТИЖОРАТ КЕЛИШУВИ бўлиши мумкин.

ТИЖОРАТ КЕЛИШУВИ — икки томоннинг товар айирбошлашга рози бўлиб узаро келишиб олишларидир.

Юқорида қараб чиққан тушунчаларга асосланиб БОЗОР нима эканлигига таъриф бера-

Бозор иқтисодиётини ўрганамиз

«БОЗОР КЎРГАН» БЎЛИНГ

рор шаҳарга саёҳатга борган америкалик миллионер учун барча қўлайликларга эга бўлган меҳмонхона зарур бўлса, шаҳарма-шаҳар иш қидириб юрган ишсиз учун бир хонада ўнга одам жойлашадиган меҳмонхона ҳам бўлаверади.

СЎРОВ ҲАЖМИ — бу истеъмол миқдори бўлиб, аҳолининг сотиб олиш қобилиятидир. Мисол учун, Тошкент шаҳри аҳолиси учун бир кунда ёзда 500 тонна атрофида нон сотилса, қиш кунлари 600 тоннага яқинлашиб қолади. Демак, Тошкент шаҳри аҳолисининг бир кунлик сўров ҳажми нон бўйича 500-550 тоннани ташкил этади, деб хулоса қилишимиз мумкин. Худди шундай бошқа маҳсулотлар бўйича ҳам мисоллар тузишни уқувчининг ихтиёрига қолдирамиз.

ТОВАР — эҳтиёж ва талабни қондириши мумкин бўлган ва эътиборни тортиш, сотиб олиш, фойдаланиш ва истеъмол мақсадида сотувга чиқариладиган барча нарсалардир. Аммо ҳаётда товар сўзи камроқ ишлатилади. Мисол учун, «қишлоқ хужалик маҳсулотлари», «чорвачилик маҳсулотлари», «енгил автомашина» ва х.к. Одатда, товарларни доимо ўз номи билан атайдилар. Мисол, тарвуз сотиб олаётган харидор «қишлоқ хужалик маҳсулотингиздан менга 5 кг берсангиз» демай, «менга 5 кг тарвузингиздан берсангиз» дейди.

АЙИРБОШЛАШ — бу узингиз хоҳлаган нарсани бирор бир нарсанигиз эвазига олишдир. Инсоният тарихида айирбошлаш ривожланиш асоси бўлиб келди. У инсонларни доимо меҳнат қилишга, уз меҳнатлари самарасини бошқа тур меҳнат самараси билан узвий боғланган ҳолда олиб боришга мажбур қилиб келди. Ҳозирги замон иқтисодиётида айирбошлаш амалга оширишда бешта шарт бажарилиши зарур:

1) томонларни камида иккита бўлиши;

2) ҳар бир томон қўлида бирор нарса бўлиши ва у иккинчи томон учун маълум қадр-қимматга эга бўлиши керак;

3) ҳар бир томон узини айирбошлашга ажратган товарини ташвиш имкониятига эга бўлиши керак;

миз. БОЗОР — бу товарни сотиб олувчи мавжуд ва имкониятли харидорлар талаблари мажмуасидир. Буни атрофлича тушунтириш учун қуйидаги мисолни келтирамиз. Тасаввур қилайлик, бир оролда бир нечта оила истиқомат қилсин. Биринчиси, ўзи учун керакли бўлган барча нарсаларни ўзи ишлаб чиқариш билан, иккинчиси ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни бир қисмини бошқалар билан узаро айирбошлаш эвазига оила эҳтиёжини қондириши мумкин. Бу жуда ҳам кўп вақтни олади ва сермашаққатдир. Учунчиси, барча оилалар ўз хужаликларида ишлаб чиқарган маҳсулотларини марказлашган ҳолда айирбошлашни ташкил этишлари мумкин. Бу га кўра ҳар бир хужалик (оила) ўз маҳсулотларини келишилган ҳолда бир ерга олиб келиб айирбошлайдилар. Тарихдан маълумки, пул ҳам мана шу айирбошлаш жараёнини енгиллаштириш учун ишлаб чиқарилган.

Айирбошлашни марказлашган ҳолда ташкил этилиши натижасида яна бир хизмат турига ҳам эҳтиёж туғилган. Бу хизмат савдонга амалга оширишдан, олувчи ва сотувчини узаро келиштириб қўйишдан иборат бўлган. Шундай қилиб, халқ орасидан савдогарлар, даллоллар ва бошқа савдо хизматчилари табақалари ажралиб чиққан. Савдогарларни пайдо бўлиши ижтимоий зарурат эканлиги юқорида кўриб ўтган мисоллардан намоён бўлади. Савдогарлик ишининг ҳам узига хос шартлари ва илми бўлиб, бу ҳақда келгуси мақолаларда гапириб ўтамиз.

БАҲОДИР ЗИЯЕВ

Тошкент Давлат аграр

университети

«Агробизнес ва

менеджмент»

кафедрасининг

доценти, иқтисод фанлари

номзоди.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г 0350. 11.000 нусхада босилди. Қўғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Телефон: 33-44-25

